

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРЗУЛАЕВА УМИДА РАХМАТУЛЛОЕВНА**

**ИССИҚ ИҚЛИМДА КЕЧУВЧИ ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ  
БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧЛАРИДА ГЕМОРЕОЛОГИК ВА  
ДИСЛИПИДЕМИК БУЗИЛИШЛАР ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Нарзулаева Умида Рахматуллоевна**

Иссиқ иқлимда кечувчи гипертония касаллигининг  
бошланғич босқичларида гемореологик ва  
дислипидемик бузилишлар ва уларни коррекциялаш ..... 3

**Нарзулаева Умида Рахматуллоевна**

Гемореологические и дислипидемические нарушения на ранних  
стадиях гипертонической болезни в условиях  
жаркого климата и их коррекция ..... 23

**Narzulaeva Umida Rakhmatulloevna**

Hemoreological and dyslipidemic disorders in the initial stages of  
hypertensive disease in the hot climate and their correction..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРЗУЛАЕВА УМИДА РАХМАТУЛЛОЕВНА**

**ИССИҚ ИҚЛИМДА КЕЧУВЧИ ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ  
БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧЛАРИДА ГЕМОРЕОЛОГИК ВА  
ДИСЛИПИДЕМИК БУЗИЛИШЛАР ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib 1326 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Самиева Гулноза Уткуровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Равшанбек Бабажонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Рахимова Дилором Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) - 233-30-34, e-mail: [ilmiyprorektori@sammi.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 – уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда ўлим кўрсаткичини камайтириш мақсадида нафақат кардиология ва терапия йўналишларида, балки тиббиётнинг барча жабҳаларида гипертония касаллиги (ГК) ва унинг инсульт, инфаркт каби хавфли асоратларининг учраш даражасини камайтириш долзарб тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра “...ер юзида 1 млрд. дан ортиқ аҳоли гипертония касаллигидан азият чекмоқда, касаллик асоратларидан эса йилига 7,5 млн. ўлим ҳолати қайд қилинади. Бу эса барча ўлим ҳолатларининг 12,8% ини ташкил қилади...”<sup>1</sup>. Гипертония касаллиги юрак қон томир тизими касалликлари ичида ногиронлик даражаси ва ўлим кўрсаткичи бўйича етакчи ўрин эгаллаб, сурункали юрак етишмовчилигига олиб келувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Арид зонада касаллик эрта босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишларни ўз вақтида аниқлаш, нишон аъзоларнинг эрта шикастланишини олдини олиш амалий жиҳатдан замон талаби бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда асосан гипертония касаллигининг нишон аъзоларда шикастланиш аниқланган босқичларидаги гемореологик ва дислипидемик бузилишларни ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. ГКда метеосезгирлик, қоннинг реологик хусусиятлари, липид спектридаги бузилишлар, эритроцитлар агрегацион хусусиятлари эрта скрининги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Касалликнинг эрта босқичларида гемореологик ўзгаришлар ва липид спектридаги бузилишларни аниқлаш касаллик патогенезида муҳим ўрин эгаллаб, касаллик мониторингини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, тиббий тизимни жаҳон андозаларига мослаштириш, аҳоли орасида юрак-қон томир тизими касалликларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикаси сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда аҳоли орасида гипертония касаллигини эрта ташҳислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали

---

<sup>1</sup> Масленникова Г.Я., Оганов Р.Г. Выбор оптимальных подходов к профилактике неинфекционных заболеваний в рамках международного сотрудничества. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2018; (17) №1. Стр. 4-9.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш долзарб ижтимоий муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий жаҳон адабиётидаги қатор тадқиқотлар натижаларига кўра ҳаво ҳароратининг кескин ошиши ёки пасайиши, атмосфера босими ўзгаришлари, ҳаво намлигининг ошиши каби иқлим ўзгаришлари ўткир миокард инфаркти ва инсульт хавфи ва беморларнинг ўлим кўрсаткичи ошишига олиб келади (Нажат С. et al., 2007). Ҳукуматлараро эксперт гуруҳи (Intergovernmental Panel on Climate Change -IPCC)нинг 11 йилликдаги (2000–2012) маълумотларига кўра ҳаво ҳароратини қайд қилиб бориш 1850 йилда бошлангандан бери 12 та энг иссиқ ёз кузатилган. IPCC нинг 2007 йилдаги маърузасида иқлим ўзгариши экстремал об-ҳаво шароити оқибатида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ошиб бориши, юрак қон томир тизими касалликлари шу жумладан гипертония касаллигининг учраш частотаси кўпайиши юзага келиши таъкидланган (Беляева В.А. 2016).

Гипертония касаллигини ташҳислаш ва даволашнинг Европа тавсияномасида биринчи марта АҚБ нинг мавсумий ўзгаришлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилиб, бу ҳолат кўп ҳолларда иқлим ўзгариши билан боғлиқлиги қайд қилинган (Climate change and communicable diseases in the EU Member States 2010; Смирнова М. Д., Агеев Ф. Т., Свирида О. Н., Ратова Л. Г., Коновалова Г. Г., Тихазе А. К., Ланкин В. З. 2013). Кўплаб кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки бир қанча касалликлар хусусан гипертония касаллиги кардиологик ва неврологик кўринишларда метеоомилларнинг касаллик кечишининг янада оғирлашувига ва организмнинг мослашувчанлик захираларининг пасайишига олиб келади. Метеосезгир беморлар гуруҳида олиб борилган текширувларда гемореологик ўзгаришларнинг натижалари қиёсланганда эритроцитлар микрореологик кўрсаткичларининг барчасида ўзгаришлар аниқланган бўлиб, гематокритнинг нормага нисбатан 2-3 марта юқори эканлиги кузатилган (Жуков А.Г., Михайлова Е.В., Муратов С.В., Карпенко В.Я.2017).

Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас, 2016 йилда 20-30 ёшли эркакларнинг 9,4% ида, 40 ёшдан ошганларнинг -35% ида, 60-65 ёшдан сўнг

эса -50% ида ГК ривожланган. Аёлларда эса бу кўрсаткич 30 ёшгача-3,3%, 40 ёшдан 60 ёшгача-60% ҳолатларда учраган. Республикамизда ўтказилган қатор тадқиқотларда артериал қон босимини самарали пасайтирадиган ва унинг асоратлари ривожланишини олдини оладиган замонавий дори дармонлар бўлишига қарамасдан, беморларни даволанишга бўлган масъулияти пастлигича қолмоқда (Гадаев А.Г. ва бошқ. 2018).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда иссиқ иқлимда яшайдиган аҳоли ўртасида ГК га чалинган беморларни махсус дастурлар асосида эрта аниқлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш ва аҳолини тиббий савиясини оширишга қаратилган йўналишлар энг долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан бири ҳисобланади. Замонавий даволаш усулларидан фойдаланишга қарамай, ишга лаёқатли аҳоли орасида ГКнинг инсульт, инфаркт каби хавфли асоратлари ва сурункали юрак етишмовчилиги оқибатида ногиронлик ва ўлим частотаси жуда юқори бўлиб қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 0120000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иссиқ иқлимда кечувчи гипертония касаллигининг бошланғич босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишларни эрта ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

иссиқ иқлимда кечувчи гипертония касаллиги эрта босқичларида анкета сўровномаси натижалари, беморларда артериал гипертензия даражаси, дислипидемик ва гемореологик бузилишларнинг иқлимга боғлиқлигини аниқлаш;

касалликнинг эрта босқичларида гемореологик параметрлардаги ва липид спектридаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

беморларда ўтказилган вегетатив тест натижалари асосида номедикаментоз даво усуллари билан биргаликда  $\beta$ -блокатор гуруҳи препаратини қўллаш ва унинг гипотензив самарадорлигини баҳолаш;

ГКнинг эрта босқичларида гемореологик параметрлардаги ўзгаришлар ва липид спектридаги бузилишларнинг даражасига қараб хавф гуруҳларга ажратиш ҳамда танланган даво турини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2019 йилларда Газли шаҳар марказий поликлиникаси ҳамда Самарқанд шаҳар 10-оилавий поликлиникаларида диспансер назоратида турган 204 нафар гипертония касаллигига чалинган I босқичдаги беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни периферик қон ва зардобдаги биокимёвий ва реологик жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда антропометрик, Кердо вегетатив индексини баҳолаш, артериал қон босимининг суткалик мониторинги, вискозиметрия, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

беморларда стресслар устунлиги, регулятор механизмларнинг эрготропик ўзгаришлари ва энергия потенциалининг заифлашиб бориши кўринишидан далолат берувчи Кердо вегетатив индексини “яққол симпатикотония” типига учраши аниқланган;

илк бор арид ҳудудда дислипидемия, қон солиштирма ёпишқоқлиги, Кессон ёпишқоқлигининг бараварига ортиши ва эритроцитлар қайтмас агрегациясининг ортиб боришининг ҳаво ҳароратини ўзгариши, намликнинг камайиши каби иқлим омилларига боғлиқлиги исботланган;

иссиқ иқлимда касаллик эрта босқичларида гемореологик параметрлардаги ва липид спектридаги ўзгаришлар оқибатида қон томирларда прессор омиллар устунлиги касаллик зўрайишининг прогностик маркери эканлиги исботланган;

кардиоваскуляр хавф омилларини бартараф этиш мақсадида соғлом турмуш тарзи дастурига DASH диетасини киритиш ва медикаментоз кардиоселектив  $\beta_1$  адреноблокаторлар ҳамда ГМК коА редуктаза ингибиторларини қўлланилганда даво самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иссиқ иқлимда кечувчи гипертония касаллигининг эрта босқичларида беморларнинг жисмоний ва руҳий ҳаёт сифати анкета сўровномаси ёрдамида аниқланган;

ГК нинг эрта босқичларида гемореологик параметрлардаги ўзгаришлар ва липид спектридаги бузилишларнинг даражасига қараб беморлар хавф гуруҳларга ажратилган ва персонифицирланган даволаш тури белгиланган;

атеросклеротик кардиоваскуляр касалликлар хавфи 7,5% дан ортиқ яъни юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларда статин препаратини ва номедикаментоз даво усуллари билан бирга қўлланилиши кардиоваскуляр хавфни олдини олишда ёрдам берадиган алгоритм таклиф этилган;

Арид зонада бирламчи звенолардаги тиббиёт муассасаларининг амалий фаолиятида ГК бошланғич босқичларида артериал қон босимининг мақсадли даражага эришишга ва қоннинг реологик ва липид спектри кўрсаткичларини меъёрлаштиришга имкон яратувчи такомиллаштирилган даволаш усули таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, инструментал, функционал ва статистик тадқиқот усулларида асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар



билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арид зонада кечувчи гипертония касаллигининг бошланғич босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишлар ҳамда уларни эрта коррекциялашда соғлом турмуш тарзини фаол қўллаш фонида  $\beta$ -адреноблокаторлар ва охириги авлод статинлар билан биргаликда антиагрегантларни қўллаш орқали нишон аъзолардаги шикастланишлар ва тромбоземболик асоратлар эрта ривожланишининг олдини олишдаги самарадорлиги ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нишон аъзоларда шикастланишлар эрта ривожланишининг секинлашишига ва атеросклеротик кардиоваскуляр хавф даражасининг камайишига, гемореологик ва дислипидемик бузилишларни бартараф этадиган такомиллаштирилган даво усули оилавий врач амалиётига қўллаш учун тавсия этилган ва ҳаёт тарзини ўзгартириш, гиполипидемик парҳезни фаол қўллаш орқали нафақат гипертония ва ортикча вазни, балки атеросклеротик кардиоваскуляр касалликлар олдини олиш имконини берувчи тадқиқот натижалари асосида шаклланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иссиқ иқлимда кечувчи гипертония касаллигининг бошланғич босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишлар ва уларни коррекциялашнинг клиник-лаборатор асосланиши ва самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалари асосида:

касалликнинг бошланғич босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишларни бартараф этиш, вегетатив нерв система ҳолатини баҳолаш ва артериал қон босимининг мақсадли даражасига эришиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Немедикаментозная коррекция дислипидемических расстройств и артериальной гипертензии на раннем этапе развития гипертонической болезни у лиц молодого возраста» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8н-д/246-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий қилиш гипертония касаллиги бошланғич босқичидаги беморларни даволашда DASH диетасини қўллаш орқали дислипидемик бузилишларни коррекциялаш ва нишон аъзоларда шикастланишларни олдини олишда самарали даво комбинацияларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Беморларда гемореологик ва дислипидемик бузилишларни коррекциялаш мақсадида қўлланилган терапия самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоятининг Пешку ТТБ марказий поликлиникаси ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 январдаги 8н-з/25-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ГК эрта босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишларни бартараф қилиш заминидан нишон аъзолар шикастланиши 2 бараварга камайиш, соғлом

турмуш тарзини фаол тадбиқ этиш орқали беморлар ҳаёт сифатини 1,7 бараварга ошиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартирмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, ЎзР Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иссиқ иқлимда кечувчи гипертония касаллиги бошланғич босқичларида гемореологик ва дислипидемик бузилишлар ва уларни коррекциялашга замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича етарли миқдорда замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар талқини келтирилган ва таҳлил қилинган. ГК этиологиясида хавф омилларининг роли, метеоомилларнинг касаллик кечишига таъсири, асосий гемореологик тушунчалар, механизмлар ва уларнинг иқлим билан боғлиқ ўзгаришларининг ўзига хослиги, касалликнинг эрта босқичларида липид спектридаги бузилишларнинг диагностикаси ҳамда номедикаментоз давода соғлом турмуш тарзини фаол қўллаш ва медикаментоз даволаш усулларининг самарадорлигига бағишланган адабиётлар таҳлил қилинган. Ўрганилиши лозим бўлган масалалар аниқланиб диссертация ишининг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Материаллар ва текширув усуллари тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида текширилаётган беморларнинг умумий хусусиятлари ҳамда қўлланилаётган тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

Клиник текширишлар Бухоро вилояти ССБ, Ромитан ТТБ га қарашли Газли шаҳар кўптармоқли поликлиникаси, Самарқанд шаҳар ССБ га қарашли 10-сон ОП да 2018-2020 йиллар давомида бажарилган.

ГК бошланғич босқичи билан диспансер назоратига олинган жами 204 нафар бемор текширилди. Барча беморлар 2 та гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳ Ўзбекистон худудининг юмшоқ арид зонасига кирувчи Қизилқум чўл худудида жойлашган Бухоро вилояти Ромитан тумани худудига кирувчи Газли шаҳар касалхонасига қарашли поликлиника худудида яшовчи аҳоли орасидан гипертония касаллиги I-босқичи ташҳиси билан диспансер рўйхатида бўлган жами 122 та бемор ўз розилиги асосида асосий гуруҳ сифатида текширувга олинди. Шулардан 71 (58%) нафари эркак ва 51 (42%) нафари аёл. Назорат гуруҳи учун беморлар Ўзбекистоннинг тоғ олди худудларига кирувчи ва ёз ойлари Республиканинг бошқа худудларига нисбатан 4-5 даражага пастроқ бўлган мўтадил иқлимга қарашли Самарқанд шаҳар № 10 оилавий поликлиника худуди аҳоли орасидан гипертония касаллиги I-босқичи ташҳиси билан диспансер рўйхатида бўлган жами 82 та бемор ўз розилиги асосида олинди. Шулардан 47 (57%) нафари эркак ва 35 (43%) нафари аёл. Текширилувчиларнинг ёши 35 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, ўртача ёш 46,8 ни ташкил қилди.

Асосий гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги беморлар артериал гипертензия даражасига кўра яна 2 тадан кичик гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳдаги (n=122) беморларнинг 93 нафарида (76%) АГ 1 даражаси (шулардан 67 нафарида липид спектри нормада ва 26 нафарида дислипидемия аниқланди) ва 29 нафарида (24%) АГ 2 даражаси (шулардан 13 нафарида липид спектри нормада ва 16 нафарида дислипидемия аниқланди);

Назорат гуруҳидаги беморларнинг 57 нафарида (69%) АГ 1 даражаси (шулардан 39 нафарида липид спектри нормада ва 18 нафарида дислипидемия аниқланди) ва 25 нафарида (31%) АГ 2 даражаси (шулардан 16 нафарида липид спектри нормада ва 9 нафарида дислипидемия аниқланди) кузатилди.

Гипертония касаллиги I-босқич, АГ 1-даража хавф хатар II ташҳиси билан диспансер назоратида турувчи беморларда ўртача САБ  $148 \pm 7$  мм.с.у; ўртача ДАБ  $95 \pm 5$  мм.с.у ни ташкил қилди.

Гипертония касаллиги I-босқич, АГ 2-даража хавф хатар II ташҳиси билан диспансер назоратида турувчи беморларда ўртача САБ  $165 \pm 5$  мм.с.у; ўртача ДАБ  $104 \pm 5$  мм.с.у ни ташкил қилди.

Тадқиқот дизайнига мувофиқ, ГК бошланғич босқичидаги беморларда клиник тавсифлаш, MOS SF-36 анкета сўровномаси ёрдамида ҳаёт сифатини аниқлаш, Кердо бўйича вегетатив индексни аниқлаш, ASCVD калькулятор дастури асосида атеросклеротик кардиоваскуляр касалликлар хавфини ва медикаментоз давога кўрсатмани аниқлаш, қоннинг реологик хоссаларини баҳолашда вискозиметрия, агрегометрия ва микроскопия шуниндек умум клиник лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилган.

Барча беморларда поликлиника шароитида ва патронаж ҳамширалари ёрдамида уй шароитида АҚБ назорат қилиниб, қайд қилиб борилди. Шунингдек беморларда артериал қон босимининг суткалик мониторинги (АБСМ) текшируви ҳам ўтказилди.

Беморларни текширувга олганда нишон аъзоларида структур ўзгаришлар йўқлиги асосий шарт қилиб белгиланди. Шунингдек гемореологик кўрсаткичларга таъсир қилиши мумкин бўлган юқумли касалликлари, ички аъзоларида сурункали касалликлари, онкологик касалликлари бор беморлар текширувга олинмади.

Қон ва плазма ёпишқоқлиги АКР-2 маркали Ротацион визкозиметр ёрдамида “конус-конус” усулида  $37,0 \pm 0,1^\circ \text{C}$  доимий ҳароратда 10, 20, 50, 150, ва  $200 \text{ c}^{-1}$  айланиш тезлигида аниқланди. (айланиш кучланишини аниқлашда қон оқими ни N.Casson тенгламасига асосан аниқланди.

$$\tau^{0,5} = \tau_0 + K\dot{\epsilon}^{0,5}$$

Бу тенгламада:  $\tau$ -силжиш кучланиши;  $\tau_0$ -силжиш кучланишининг чегараси (оқувчанлик чегараси);  $K\dot{\epsilon}$ -мазкур суюқлик учун характерли бўлган коэффицент (Кессон ёпишқоқлиги);  $\dot{\gamma}$ -айланиш тезлиги.

Тўқималарга кислород етказилишининг самарадорлигини баҳолашда формула бўйича индексдан фойдаланилди:  $\text{TO}_2 = \text{Ht}/\text{Q}\dot{\epsilon} 200$ ,

$\text{TO}_2$ -Тўқималарга кислород етказилишининг самарадорлиги;  $\text{Q}\dot{\epsilon}$  200-айланиш тезлиги  $\dot{\gamma} = 200 \text{ C}^{-1}$  бўлгандаги қоннинг ёпишқоқлиги.

Диссертациянинг «**Иссиқ иқлимда кечувчи ГК I босқичда гемореологик ва дислипидемик бузилишлар ва уларни коррекциялаш**» деб номланган учинчи бобида касалликнинг эрта босқичларида беморларда дислипидемия даражасининг тана вазни индекси ва артериал гипертензия даражаси билан боғлиқлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, Асосий гуруҳдаги АГ 1-даражаси мавжуд беморларнинг ( $n=93$ ) 48 тасида ТВИ  $25 \text{ кг/м}^2$  дан ошмади; 25 тасида ТВИ  $26-29 \text{ кг/м}^2$  гачани ташкил қилиб, ортиқча вазнлилик; 11 та беморда ТВИ  $30-34,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, I-даражали семизлик; 9 та беморда ТВИ  $35-39,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, II-даражали семизлик аниқланди.

Асосий гуруҳдаги АГ 2-даражаси мавжуд беморларнинг ( $n=29$ ) 7 тасида ТВИ  $25 \text{ кг/м}^2$  дан ошмади 12 тасида ТВИ  $26-29 \text{ кг/м}^2$  гачани ташкил қилиб, ортиқча вазнлилик; 7 та беморда ТВИ  $30-34,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, I-даражали семизлик; 3 та беморда ТВИ  $35-39,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, II-даражали семизлик аниқланди.

Назорат гуруҳидаги АГ 1-даражаси мавжуд беморларнинг ( $n=57$ ) 35 тасида ТВИ  $25 \text{ кг/м}^2$  дан ошмади; 16 тасида ТВИ  $26-29 \text{ кг/м}^2$  гачани ташкил қилиб, ортиқча вазнлилик; 4 та беморда ТВИ  $30-34,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, I-даражали семизлик; 2 та беморда ТВИ  $35-39,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, II-даражали семизлик аниқланди.

Назорат гуруҳидаги АГ 2-даражаси мавжуд беморларнинг ( $n=25$ ) 5 тасида ТВИ  $25 \text{ кг/м}^2$  дан ошмади; 11 тасида ТВИ  $26-29 \text{ кг/м}^2$  гачани ташкил қилиб, ортиқча вазнлилик; 6 та беморда ТВИ  $30-34,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, I-даражали семизлик; 3 та беморда ТВИ  $35-39,9 \text{ кг/м}^2$  гача бўлиб, II-даражали семизлик аниқланди.

Қорин айланасини ўлчами асосий гуруҳдаги АГ 1-даражаси мавжуд беморларнинг ( $n=93$ ) 42 тасида кўрсатилган меъёрдан ортиқлиги аниқланди: шулардан 19 нафари аёллар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари

96±6 см.ни; 23 нафари эркаклар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 128±7 см.ни ташкил қилди.

Қорин айланасини ўлчами асосий гуруҳдаги АГ 2-даражаси мавжуд беморларнинг 17 тасида кўрсатилган меъёрдан ортиқлиги аниқланди: шулардан 6 нафари аёллар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 122±8 см.ни; 11 нафари эркаклар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 145±5 см.ни ташкил қилди.

Назорат гуруҳидаги АГ 1-даражаси мавжуд беморларнинг 18 тасида қорин айланасини ўлчами кўрсатилган меъёрдан ортиқлиги аниқланди: шулардан 7 нафари аёллар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 98±8 см.ни; 11 нафари эркаклар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 125±5 см.ни ташкил қилди (1-жадвал).

Назорат гуруҳидаги АГ 2-даражаси мавжуд беморларнинг 9 тасида қорин айланасини ўлчами кўрсатилган меъёрдан ортиқлиги аниқланди: шулардан 3 нафари аёллар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 112±8 см.ни; 6 нафари эркаклар бўлиб, қорин айланаси ўлчами кўрсаткичлари 137±6 см.ни ташкил қилди.

#### 1-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг қорин айланаси ўлчамлари

Қорин айланаси ўлчамлари	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	АГ 1-даража n=93	АГ 2-даража n=29	АГ 1-даража n=57	АГ 2-даража n=25
Аёлларда	96±6 см	122±8 см	98±8 см	112±8 см
Эркакларда	128±7 см	145±5 см	125±5 см	137±6 см


Асосий гуруҳдаги АГ 1-даражаси мавжуд беморларнинг 36 тасида гиперхолестеринемия аниқланди: қондаги умумий холестерин миқдори 6,2±0,5 ммоль/л дан баланд эканлиги аниқланди; АГ 2-даражаси мавжуд беморларнинг 21 тасида қондаги умумий холестерин миқдори 7,3±0,5 ммоль/л дан, триглицеридлар миқдорининг эса 2,0±0,2ммоль/л дан баланд эканлиги аниқланди.

Назорат гуруҳидаги АГ 1-даражаси мавжуд беморларнинг 18 тасида гиперхолестеринемия аниқланди: қондаги умумий холестерин миқдори 5,6±0,3 ммоль/л дан баланд эканлиги аниқланди; АГ 2-даражаси мавжуд беморларнинг 9 тасида қондаги умумий холестерин миқдори 7,1±0,4 ммоль/л дан, триглицеридлар миқдорининг эса 2,0±0,2ммоль/л дан баланд эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, юқорида олинган натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, асосий гуруҳдаги беморларнинг 57 нафарида (46,7%) ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 27 тасида (33%) ДЛП мавжудлиги аниқланди. Асосий гуруҳдаги беморларнинг 37 нафарида ортиқча вазн, 18 нафарида семизлик биринчи даражаси, 12 нафарида эса семизлик иккинчи даражаси аниқланди. Назорат гуруҳидаги беморларнинг 27 нафарида ортиқча вазн, 10 нафарида семизлик биринчи даражаси, 5 нафарида эса семизлик иккинчи даражаси аниқланди. Абдоминал семизлик эса асосий гуруҳдаги беморларнинг 59 нафарида, назорат гуруҳидаги беморларнинг 27 нафарида

қорин айланаси ўлчамларининг меъеридан ортиқ эканлиги аниқланди. Хулоса қилиб айтганда беморларда ортиқча вазн ҳамда семизлик ва дислипидемия кўрсаткичлари ўртасида тўғридан тўғри боғлиқ мавжудлиги аниқланди.

MOS SF-36 анкета сўровномаси ёрдамида ҳаёт сифатини аниқлаш натижалари таҳлиliga кўра асосий гуруҳдаги беморларда жисмоний ва руҳий саломатлик мезонига асосан кўрсаткичларининг назорат гуруҳига нисбатан паст эканлиги аниқланди (1-расм).



**1-расм MOS SF-36 анкета сўровномаси натижалари таҳлили.**

Гемореологик бузилишларнинг таҳлили ва иссиқ иқлимга боғлиқлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, Гемореологик параметр кўрсаткичларида АГ даражаси, ДЛПБ ва иқлимга боғлиқ ҳолда ўзгаришлар кузатилди. Асосий гуруҳдаги АГ 1-даражаси (n=93) липид спектри (ЛС) меъерий бўлган (n=57) кичик гуруҳдаги беморларда бошқа гуруҳдаги беморларга қон ва плазма ёпишқоқлиги, қон солиштирма ёпишқоқлигининг юқори ва ўртача айланиш тезлигида (150, 100, 50 с<sup>-1</sup>) энг кам ўзгаришлар аниқланиб АГ 1-даражаси (n=93) ДЛПБ (n=36) мавжуд беморларга нисбатан 0,1; 0,2 ва 0,3 мартага камлиги;

АГ 2-даражаси (n=29) ДЛПБ (n=21) мавжуд гуруҳда қон ва плазма ёпишқоқлиги, қон солиштирма ёпишқоқлигининг юқори ва ўртача айланиш тезлигида (150, 100, 50 с<sup>-1</sup>) энг кўп ўзгаришлар аниқланиб АГ 1-даражаси (n=93) липид спектри (ЛС) меъерий бўлган (n=57) кичик гуруҳга нисбатан сезиларли фарқлар аниқланди p<0,05 (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Асосий гуруҳдаги текширилувчилардаги гемореологик кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	АГ 1 n=93		АГ 2 n=29	
	ЛС меъерий n=57	ДЛПБ n=36	ЛС меъерий n=8	ДЛПБ n=21
Плазма ёпиш.ги мПа×с	1,8(1,7-1,9)	1,9(1,7-2,0)	1,8(1,7-2,0)	1,9(1,8-2,1)
Қон ёпиш.ги 200 с <sup>-1</sup> мПа×с	4,5(4,3-5,4)	4,7(4,4-5,3)	4,9(4,2-5,5)	5,3(4,5-5,7)
ҚЁ 150 с <sup>-1</sup> мПа×с	4,6(4,55,6)	4,9(4,5-5,5)	5,0(4,4-5,8)	5,3(4,7-5,9)
ҚЁ 100 с <sup>-1</sup> мПа×с	4,9(4,8-5,9)	5,2(4,8-5,7)	5,4(4,8-6,2)	5,7(5,0-6,2)
ҚЁ50 с <sup>-1</sup> мПа×с	5,7(5,5-6,9)	6,0(5,5-6,6)	6,2(5,5-7,4)	6,6 (5,75-7,3)
Қон солиш.ёпиш.ги 200	0,111 (0,106-0,118)	0,113 (0,108-0,118)	0,113 (0,109-0,120)	0,120 (0,110-0,120)

ҚСЁ150	0,116 (0,109-0,120)	0,115 (0,112-0,121)	0,120 (0,110-0,123)	0,120 (0,119-0,130)*
ҚСЁ 100	0,124 (0,119-0,125)	0,125 (0,116-0,127)	0,126 (0,120-0,130)	0,128(0,120-0,135)*
ҚСЁ 50	0,137 (0,135-0,148)	0,139 (0,137-0,147)	0,145 (0,140-0,150)	0,141(0,140-0,155)*

**Изоҳ:** \* липид спектри меъёрий бўлган кичик гуруҳ билан солиштирилганда аниқ фарқлар бор кўрсаткичлар  $p < 0,05$ .

Худди шунингдек назорат гуруҳидаги беморлани ҳам АГ даражаси ва ДЛПБ мавжудлигига кўра кичик гуруҳларни ўзаро таққослаганда АГ 1-даража ЛС меъёрий ( $n=39$ ) ва АГ 2-даража ЛС меъёрий ( $n=16$ ) кичик гуруҳларда гемореологик кўрсаткичларида сезиларли фарқ аниқланмади. АГ 2-даража ДЛПБ ( $n=9$ ) кичик гуруҳнинг қон ва плазма ёпишқоқлиги, қон солиштира ёпишқоқлигининг юқори ва ўртача айланиш тезлигидаги (150, 100, 50  $c^{-1}$ ) кўрсаткичлари АГ 1-даража ЛС меъёрий ( $n=39$ ) билан таққослаганда сезиларли фарқ аниқланди (3-жадвал). Бу эса гемореологик параметрлардаги ўзгаришларга ДЛПБ нинг ҳам таъсири мавжудлигини исботлайди. Назорат гуруҳининг барча кичик гуруҳларидаги кўрсаткичларини асосий гуруҳ билан солиштирганда сезиларли фарқлар аниқланди  $p < 0,05$  Бу эса арид зонада гемореологик параметрларнинг тоғ олди зонасига нисбатан юқори бўлиши қуруқ ва иссиқ иқлим билан боғлиқлигини исботлайди.

### 3-жадвал

#### Назорат гуруҳидаги текширилувчилардаги гемореологик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	АГ 1 $n=57$		АГ 2 $n=25$	
	ЛС меъёрий $n=39$	ДЛПБ $n=18$	ЛС меъёрий $n=16$	ДЛПБ $n=9$
НБ, г/л	16 (122-150)	142 (124-152)	130 (124-144)	134 (126-143)
Нт, %	41 (40-44)	42 (40-47)	41 (40-44)	43 (40-46)
Плазма ёпиш.ги мПа×с	1,6 (1,5-1,7)	1,7 (1,7-2,0)	1,6 (1,5-1,9)	1,8 (1,8-2,1)
Қон ёпиш.ги 200 $c^{-1}$ мПа×с	4,4 (4,1-5,3)	4,6 (4,4-5,3)	4,4 (4,2-5,4)	5,1 (4,5-5,5)
ҚЁ 150 $c^{-1}$ мПа×с	4,4 (4,3-5,5)	4,9 (4,5-5,6)	4,4 (4,4-5,5)	5,0 (4,7-5,9)
ҚЁ 100 $c^{-1}$ мПа×с	4,7 (4,8-5,9)	5,2 (4,8-5,7)	4,7 (4,8-6,0)	5,4 (5,0-6,2)
ҚЁ50 $c^{-1}$ мПа×с	5,5 (5,5-6,9)	5,9 (5,5-6,6)	5,6 (5,5-7,4)	6,2 (5,75-7,3)
Қон солиш.ёпиш.ги 200	0,109 (0,106-0,114)	0,112 (0,10-0,118)	0,110 (0,109-0,116)	0,118 (0,110-0,120)
ҚСЁ150	0,114 (0,109-0,120)	0,116 (0,112-0,121)	0,115 (0,110-0,123)	0,118 (0,119-0,130)*
ҚСЁ 100	0,120 (0,119-0,125)	0,123 (0,116-0,127)	0,121 (0,120-0,130)	0,124 (0,120-0,135)*
ҚСЁ 50	0,135 (0,135-0,148)	0,137 (0,137-0,147)	0,136 (0,140-0,150)	0,138 (0,138-0,155)*

**Изоҳ:** \* липид спектри меъёрий бўлган кичик гуруҳ билан солиштирилганда аниқ фарқлар бор кўрсаткичлар  $p < 0,05$ .

Эритроцитлар агрегацион хоссаларини баҳолашда шу нарса аниқландики, тўқималарга кислород етказиб берилиши самарадорлик индексининг аста секинлик билан камайиб бориши кузатилди. Назорат гуруҳининг АГ1-даражаси мавжуд беморларда- 8,2 (7,9-8,6) ва АГ2-даражаси мавжуд беморларда 8,1 (7,9-8,4);асосий гуруҳининг АГ1-даражаси мавжуд беморларда - 7,9 (7,5-8,3) ва АГ2-даражаси мавжуд беморларда 7,8 (7,4-8,1) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳининг АГ1-даражаси мавжуд беморларда ва асосий гуруҳининг АГ2-даражаси мавжуд беморларда сезиларли даражадаги фарқ сезилди ( $p<0,05$ ).

Эритроцитларнинг агрегацион хусусиятларини баҳолашда шу нарса аниқландики, агрегация динамик кўрсаткичида ўзгаришлар фақат АГ-2 даражаси ва ДЛП мавжуд гуруҳда кузатилди. Назорат гуруҳининг АГ-1 даражаси ва липид спектри нормада бўлган беморларда эса бу кўрсаткич сезиларли даражада паст бўлди ( $p<0,05$ ), бу эса ДЛП мавжуд беморларда эритроцитлар ригидлигининг бироз ошганлигидан дарак беради.

Асосий гуруҳининг АГ-2 даражаси ва ДЛП бор беморларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳи беморлари билан солиштирилганда эритроагрегометрда олинган маълумотларга асосан  $3\text{ с}^{-1}$  айланиш тезлигида 5 сониядан М(1)5 ва 10 сониядан М(1)10 сўнг ва айланиш тўхтагандан кейин 5 сониядан М(1)5 ва 10 сониядан М(1)10 сўнг агрегацион потенциалнинг яққол кучайганлиги кузатилиб, бу агрегат ўртача ўлчамининг катталаниши ва агрегация кўрсаткичининг ошиши ва агрегацияланмаган эритроцитлар фоизининг камайиши агрегация даражасининг ошиши кўринишида номоён бўлди ( $p<0,05$ ) (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Эритроцитлар агрегациясини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	АГ 1-даража n=93	АГ 2-даража n=29	АГ 1-даража n=57	АГ 2-даража n=25
Агрегатнинг ўртача ўлчами (мкм)	5,44 (5,20-6,36)	5,66 (5,08-6,00)	6,04 (5,41-6,37)	6,15 (5,70-6,59)
Агрегация кўрсаткичи	1,42 (1,34-1,70)	1,43 (1,24-1,81)	1,67 (1,40-1,89)	1,84 (1,60-2,14)
Агрегацияланган эритроцитлар %	45(38-53)	58(51-65)	53(45-65)	64(46-77)
М5	5,60 (4,40-6,50)	6,05 (5,00-7,40)	6,25 (5,40-6,90)	7,10 (6,00-8,20)
М 1 (5)	9,30 (7,90-10,40)	9,80 (8,10-11,30)	9,60 (7,50-11,00)	10,80 (9,30-12,70)
М10	12,50 (10,90-14,80)	13,75 (12,30-16,50)	14,30 (13,10-14,70)	16,0 (14,10-19,60)
М 1(10)	24,90 (20,65-29,60)	25,20 (21,20-28,10)	25,40 (22,50-29,30)	28,50 (24,40-32,50)

*Изоҳ:* назорат гуруҳи билан солиштирилганда аниқ фарқлар бор кўрсаткичлар  $p<0,05$ .

Асосий гуруҳдаги АГ 1 даража ДЛП ва АГ 2 даража ДЛП мавжуд беморларда ригидлик индекси (РИ), кессон ёпишқоқлик кўрсаткичларининг



ошиши эса эритроцитлар деформацион хусусиятларининг ёмонлашувидан далолат беради (3-жадвал). Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи билан солиштирилганда ( $p < 0,05$ ).

Эритроцитларнинг агрегацион хусусиятларини баҳолашда шу нарса аниқландики, агрегация динамик кўрсаткичида ўзгаришлар фақат АГ-2 даражасива ДЛП мавжуд гуруҳда кузатилди. Назорат гуруҳининг АГ-1 даражасива липид спектри нормада бўлган беморларда эса бу кўрсаткич сезиларли даражада паст бўлди ( $p < 0,05$ ), бу эса ДЛП мавжуд беморларда эритроцитлар ригидлигининг бироз ошганлигидан дарак беради (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Эритроцитлар цитоархитектоники кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	АГ 1-даража n=57	АГ 2-даража n=25	АГ 1-даража n=93	АГ 2-даража n=29
Дискоцитлар, %	84(75-86)	82(79-86)	81(79-83)	77(68-85)
Қайтар деформацияланувчи эритроцитлар, %	18 (7-21)	16 (10-16)	14 (10-18)	10 (9-18)
Қайтмас деформацияланувчи эритроцитлар, %	3 (2-5)	4 (3-6)	5 (3-6)	6 (4-11)
Трансформация индекси (ТИ)	0,25 (0,16-0,35)	0,24 (0,18-0,39)	0,23 (0,20-0,28)	0,20 (0,16-0,28)
